

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

БОБОУМАРОВА Мунира Курбановна

*Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистранти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14074159>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУРИШТИРУВ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада жиноят ишининг судга қадар юритиш босқичида жиноятларни аниқлаш, очиш, шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлашда суриштирувнинг ўрни ва аҳамияти таҳлилий ёритиб берилган.

Шунингдек, ушбу тадқиқот ишида суруштирув институтининг ривожланиш босқичлари, ҳуқуқий асослари ва бу борада қонунчиликка киритилган янгиликлар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Шу билан бирга, жиноят ишининг судга қадар юритиш босқичида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: жиноят, айбсизлик, суриштирув, суриштирувчи, тергов, далил, қонун устуворлиги, одил судлов, суд, жиноят иши, фармон, қарор, ислоҳот, ички ишлар органлари.

ВОПРОСЫ ЭВОЛЮЦИИ ИНСТИТУТА ДОЗНАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ:

В статье анализируется роль и значение дознания в выявлении, раскрытии преступлений, доказывании вины или невиновности лица на стадии досудебного производства по уголовному делу.

Также в данной научной работе затронуты этапы развития института дознания, правовые основы и нововведения, внесенные в законодательство по данному вопросу.

Вместе с тем даются практические предложения по совершенствованию правоприменительной практики на стадии досудебного производства по уголовным делам.

Ключевые слова: преступление, невиновность, дознание, дознаватель, следствие, доказательство, верховенство закона, правосудие, суд, уголовное дело, постановление, постановление, реформа, органы внутренних дел.

ISSUES OF EVOLUTION OF THE INSTITUTE OF INQUIRY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article analyses the role and importance of inquest in identifying, solving crimes, proving the guilt or innocence of a person at the stage of pre-trial criminal proceedings.

Also, in this scientific work the stages of development of the institute of enquiry, legal basis and innovations introduced into the legislation on this issue are touched upon.

At the same time, practical suggestions are given to improve law enforcement practice at the stage of pre-trial proceedings in criminal cases.

Key words: crime, innocence, enquiry, interrogator, inquiry, investigation, evidence, rule of law, justice, court, criminal case, ruling, reform, internal affairs bodies.

Жиноятчиликни очишда, қонун, адолат ва ижтимоий тартибни таъминлашда суриштирув органларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Яъни, улар жиноий фаолиятга алоқадор фактларни аниқлаш учун далилларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бирлаштиришда биринчи ўринда туради. Кўздан кечириш, криминалистик фаолият, гувоҳларни сўроқ қилиш ва рақамли далилларни таҳлил қилиш каби турли функциялар орқали суриштирув органлари суд жараёни ва қонун устуворлигига ишончни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят иши суриштирувини амалга ошириш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш фаолияти жиддий масъулият билан ёндашувни талаб этади.

Ушбу ўринда жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатини ўрганиш жиноят-процессига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш нуктаи назаридан, судга қадар иш юритиш босқичида тезлаштирилган (*juicio rapido*) [1] ва қисқартирилган (*juicio abreviado*) [2] тартибдаги иш юритуви жараёнларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, шу жумладан, суриштирув идораларининг ваколатларининг процессуал-ҳуқуқий тартибга солиниши ва қўлланилишида муаммолар мавжудлигини кўрсатади ҳамда уларни ҳал этиш мақсадида илмий изланишлар амалга ошириш кераклигини кўрсатади.

Айни вақтда, жиноят-процессуал қонунчиликда суриштирув органлари фаолиятининг таркибий-функционал ва ташкилий-структуравий асослари етарли ва мантикий тизимга солинмаганлигини баратараф этиш, жиноят ишлари юритувига жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш ва суриштирув органлари фаолиятида қонундан четга чиқиш каби айрим ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик учун процессуал-ҳуқуқий масалаларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кундаги жиноят-портссуал қонунчилиги олдида турган энг асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур масалаларни тартибга солиш ва ушбу соҳани модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармоннинг асосий мақсади суд-тергов фаолиятида фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, жиноят процессуал ва жиноят-ижроия қонунчилигини янада такомиллаштириш, қонун устуворлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, инсонпарварлик, адолатлилик ва айбсизлик презумпцияси каби конституциявий принципларни таъминлаш энг асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 22 декабрь кунидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам қилиниши керак бўлган кўплаб ишлар алоҳида таъкидланди.

Жумладан, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, судлар фаолияти мустақиллигини таъминлаш, суриштирув ва тергов соҳаларида суиистеъмолчиликларга ҳамон барҳам берилмаганлиги танқид қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сон Қонуни асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг бир қатор нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар (381¹-381¹⁷-моддалар) киритилди. Ушбу ислоҳотлардан мақсад шахс ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли ҳимоя қилиш, жиноят ишларининг юритишнинг содалаштирилган тартибини жорий этиш, иш юритишда айрим қийинчиликларни вужудга келтирувчи механизмларга барҳам бериш ҳисобланади.

Шу каби суд-ҳуқуқ ислоҳотлари суриштирув институтига ҳам дахлдор бўлди ҳамда ўзига хос мустақил тармоққа айланди.

Суриштирув институти жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган органлар томонидан тегишли моддалар асосида дастлабки терговни амалга оширувчи тизим сифатида шакллантирилиши тергов сифатида яхшилашга хизмат қилади.

Қонунчиликда суриштирув ўтказувчи органлар ва мансабдор шахслар доирасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, терговга қадар текширувни ҳамда суриштирувни амалга оширувчи органлар ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Бунинг асосий мақсадларидан бири қайси орган томонидан ҳуқуқбузарлик аниқланса, тегишли ваколат доирасида ўша органнинг ўзи бошидан охиригача шуғулланиши, суриштирув органлари ҳам ўзлари қўзғатган жиноят ишлари бўйича тегишлилигига кўра тергов ҳаракатлари олиб боришлари ва бунда сансоларликка йўл қўйишининг олди олинишидир.

Хусусан, муқаддам суриштирув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган органлар доираси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38-моддасига мувофиқ тарзда белгиланган бўлса, тегишли ўзгаришдан сўнг ушбу модда “Суриштирув” деб номланиб, унга кўра жиноят ишлари бўйича суриштирув олиб бориш ваколатига эга бўлган янги органлар белгилаб берилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2023 йил 12 ойида жиноят ишларининг деярли 50 фоизи бўйича тергов 1 ойлик муддатда тамомланган. Умумий тамомланган ишларнинг 30 фоизидан ортиғи суриштирувчилар томонидан тамомланган. Бу эса, аввалари жиноят ишларини 3 ой давомида тергов қилиш каби шакланган салбий амалиётга чек қўйиши билан бирга, фуқароларимизни ортиқча оворагарчилигининг олдини олиш имконини берди [3].

Шу ўринда, жиноят процессида янги субъект “тезкор ходим” атамасини қўйиш ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириш лозим ва бугунги куннинг талаби деб ўйлаймиз. Гарчанд, амалиётда ушбу ном билан кўп тўқнашсақда, жиноят-процессуал қонунчиликда ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи норма мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча, ЖПКнинг 39¹-моддаси қуйидаги сўзлар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлади. “39¹-моддада санаб ўтилган ҳар бир терговга қадар текшириш органи **тезкор ходими** деган сўзлар қўйилиши мақсадга мувофиқ”.

Қонун чиқарувчи терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг юритувига тегишли жиноят ишларини аниқ рўйхатини белгиламай тўғри қилган чунки, ушбу органларда содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишнинг қандай турда эканлигини белгилаш жуда мушкул, айти дамда жиноятнинг қандай тусда ривожланиши ва уни квалификацияси билан боғлиқ муамоларни ҳам аоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Амалга оширилган ишарнинг давоми сифатида “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-105-сон, 28.01.2022 й.) ни олишимиз мумкин.

Қарорга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятини рақамлаштириш ҳамда ишни судга қадар юритиш масалалари бўйича “**Электрон суриштирув ва дастлабки тергов**” ягона ахборот тизими жорий этилди.

Ягона тергов ахборот тизими орқали ишни судга қадар юритиш масалаларида электрон ҳужжат алмашиш:

- Ички ишлар вазирлиги;
- Бош прокуратура;
- Давлат хавфсизлик хизмати;
- Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси;
- Давлат божхона кўмитаси;
- Миллий гвардиянинг суриштирув ва тергов органлари томонидан амалга оширилади.

Ягона тергов ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашуви, унинг узлуксиз ишлаши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши учун Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги маъсул ҳисобланади.

Мазкур қарор билан “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими доирасида суриштирув ва тергов органлари билан электрон ҳамкорликни амалга оширувчи давлат органлари ҳамда ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

Шунга кўра, Ягона тергов ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар суриштирув ва тергов органларининг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

Гарчи мамлакатимизда соҳада бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилган бўлсада, суриштирув органлари фаолиятини такомиллаштириш куйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак:

- **суриштирув фаолиятини амалга ошириш ваколати юклатилган тегишли органлар** борасида ҳар бир суриштирув органининг процессуал мақомини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг юритувига тегишли ишларни дифференциялаш ва шу асосда Жиноят-процессуал Кодекси нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- **суриштирув фаолияти** борасида суриштирув процедурасини тубдан янгилаш, унинг янги соддалаштирилган тартибда иш юритиш шаклини жорий қилиш.

Суриштирув органлари фаолиятини шартли уч йўналишга, яъни маъмурий, жиноят-процессуал, тезкор-қидирув фаолияти тартибда баён этиш;

Маъмурий фаолият, асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, суриштирув органларининг ички буйруқ ва йўриқномалари билан тартибга солинади.

Тезкор-қидирув фаолияти айрим суриштирув органларининг махфий йўриқномалари, ички буйруқ ҳамда 2012 йилда 28 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солади.

Жиноят-процессуал фаолият Жиноят-процессуал кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, соҳа фаолиятини такомиллаштириш куйидагиларда намоён бўлади.

- **биринчидан**; Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган фаолияти билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига киритилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар Жиноят-процессуал Кодексида баён этиш;

- **иккинчидан**; Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунида суриштирув органларининг тезкор-қидирув фаолиятини тўлиқ тартибга солиш;

- **учинчидан**; Жиноят кодексида ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар юзасидан хусусий айблов институтини жорий қилиш эҳтиёжининг мавжудлиги;

- **тўртинчидан;** айб, айбланувчи иштироки назарда тутилган ҳар қандай ҳолатда суриштирув иши материаллари дарҳол терговчи ёхуд прокурорга берилиши назарда тутилганлиги, қонунчилик нуқтаи назаридан бундай чеклов 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал Кодексида, суриштирувчи олий юридик маълумот талаб қилинмаганлиги ҳамда жиноят иши материалнинг якуний қарори терговчи томонидан ҳал қилиниши назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, суриштирув органлари фаолиятидан самарали фойдаланишга имкон бермаган;

- **бешинчидан;** айрим суриштирув органлари амалиётини ўрганиш 1995 йилдан ҳозирги кунгача бирор маротаба жиноят ишини қўзғатмаган, Жиноят-процессуал Кодексида назарада тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланмаган, кўпроқ суриштирув органларининг асосий функцияси маъмурий фаолиятдан иборат бўлиб қолганлигини кўрсатади. Шу боис, айрим суриштирув органларига барҳам бериш ва ушбу вазифаларни мувофиқлаштириш;

- **олтинчидан;** ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳозирги кунда, соддалаштириш, тезлаштирилган тартибда иш юритиш каби янги тушунчаларни ўзида мужассам этган, Франция, Германия давлатлари дастлабки тергов босқичидан воз кечиб, суриштирув институтидан тўлиқ фойдаланишга интеграциялашуви ўзини оқлаб келмоқда, ушбу институтни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини ўйлаб кўриш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва фикр-мулоҳазаларни баён этамиз.

Айрим олимларнинг фикрича, жинойий таъқибни амалга оширувчи органларнинг кўплиги фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминламайди, бошқа гуруҳ олимлар давлат фуқаронинг жинойий тажовулардан тўлиқ ҳимояланиши жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун билан тўлиқ қамраб, тартибга солиб берилишида қатта хизмат қилади, дейилади [4]. Фикримизча, жинойий таъқибни амалга оширувчи органлари фаолиятини Жиноят-процессуал Кодекси ва бошқа қонун (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни ва бошқ.) нормалари номувофиқлигида кўришимиз мумкин.

- **биринчидан:** Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуни суриштирув органларининг тезкор-қидирув фаолиятини тўлиқ тартибга солмаган.

Суриштирув органларининг фаолияти Жиноят-процессуал Кодекси, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун билан чекланиб қолмасдан, ички буйруқ ва йўриқномалар билан ҳам тартибга солинади, улар кўпроқ ёпиқ характерга (махфий) эга бўлади. Шу боис, суриштирувчиларнинг фаолияти у ёки бу жиҳатдан ёпиқ суриштирув ишларини юритишдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида қонунийлик принципининг амал қилиниши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қила олмайди.

Фикримизча, суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятини аниқ ва батафсил тартибга солиш ҳамда турли англашилмовчиликларнинг олдини олиш, фаолиятнинг қонунга асосан фаолият юритишини таъминлаш суриштирув органлари фаолияти тўғрисида низом қабул қилинишига эҳтиёж борлигини яна бир бор тасдиқлайди.

- **иккинчидан;** хусусий айблов масаласида айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, хусусий айблов институти ривожланган АҚШда, Россия Федерациясида 3 та, Беларуссияда 16 та, Озарбайжонда [5] 27 та тоифадаги жиноятлар юзасидан хусусий айблов институти борлиги эътироф этилади, ИИВнинг 2023 йилги Тошкент шаҳар статистик маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, амалиётда энг кўп учрайдиган ЖКнинг 25-моддаси орқали 97-моддасида назарда тутилган жиноятлар кўпроқ ЖК 109-моддаси билан квалификация қилинади[8].

2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилингунга қадар, ЖПКнинг 342-моддаси суриштирувда айблов эълон қилинишига йўл қўймаган.

Мазкур масалаларни олдини олиш мақсадида суриштирувчига алоҳида хусусий айблов қўйиш билан боғлиқ ваколатлар бериш мақсаддан ҳоли бўлмайди.

- **учинчидан:** Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатдики, дунёнинг бирор мамлакатада суриштирувни юритиш ва тамомлашнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилгандек процессуал шакли мавжуд эмас.

Ҳозирда ИИВ Академияси, ДХХ, Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясида суриштирувчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш курслари мавжуд, бироқ Ўзбекистон Республикасида суриштирувчиларни (жиноят ишини юритиш юзасидан махсус билимлар бериладиган) тайёрлаб берадиган алоҳида олий ўқув юрти ёки амалиётни бирлаштиришни назарда тутувчи ягона олий таълим муассасаси мавжуд эмас.

Фикримизча, мазкур амалиётни бирлаштириш ва ўқув дастурига “Суриштирув фаолияти” номли янги фан киритиш ҳамда ҳар уч йилда суриштирувчиларни мажбурий 1-3 ойлик малака ошириш курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

- **тўртинчидан:** Тадқиқотлар ижтимоий муносабатларнинг кескин ўзгариб бориши, компьютер технологиялари ёрдамида содир қилинаётган жиноятлар кўпайиб бораётгани ҳамда уларга қарши курашда фақат мутахассис ва экспертлар ёрдамидан фойдаланиш яхши самара беришини кўрсатмоқда хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра, ушбу соҳада янги суриштирув органларни жорий этиш муҳимдир, масалан, ИИВ тизимида компьютер технологиялари ёрдамида содир қилинаётган жиноятларга қарши кураш департаменти. Бу Департаментда алоҳида тайёрланган махсус билимларга эга бўлган суриштирувчилар иш юритади.

- **бешинчидан:** Жиноят-процессуал Кодексининг 38-моддаси 4,5-бандларида назарда тутилган айрим суриштирув органлари амалиётини ўрганиш 1995 йилдан ҳозирги кунгача бирор маротаба жиноят иши қўзғатмаганини, жиноят ҳақида ҳар қандай хабар ёки ЖПКда назарада тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланмаганини кўрсатмоқда, суриштирув органларининг асосий функцияси маъмурий фаолиятдан иборат бўлиб келган. Шу боис айрим суриштирув органларини терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга ўзгартириш асосланди.

- **олтинчидан:** ривожланган мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳозирги кунда соддалаштириш, тезлаштирилган тартибда ўзида мужассам этган ҳолда иш юритмоқда. Франция, Германия давлатларида [6] дастлабки тергов босқичидан воз кечилиб, суриштирув институтидан тўлиқ фойдаланиш масалаларининг интеграциялашуви ўзини оқлаб келмоқда, худди шу маънода юртимизда ҳам мазкур масалаларни бир сидра ўрганиб чиқиб, уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш долзарб ҳисобланади.

- **еттинчидан:** назаримизда, ҳар бир давлат органи амалиётининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳамда уларнинг истиқболи ва мавжуд муаммоларига барҳам бериш нуқтаи назаридан, суриштирув органлари фаолияти юзасидан алоҳида статистика юритилиши ва уларни оммага ошкор этилиши лозим. Худди шу маънода мазкур маълумотларни www.stat.uz сайтига жойлаштириш лозим. Ушбу ҳолат ошкораликни, шаффофликни, электрон ҳукумат олдига қўйилган мақсадларга эришишни ва очиқликни таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш ҳолис амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. <https://www.conceptosjuridicos.com/juicio-rapido/>
2. <https://www.diarioconstitucional.cl/temas-civicos/juicio-abreviado/>
3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Тергов департаменти хисоботлари (мурожаат вақти: 04.09.2024)
4. Гамбарян А. Реформы дознания и оперативно-розыскной деятельности в плоскости правового реализма // Законность. 2013. № 79. С. 14-24; Хидоятлов Б.Б. Проблемы регулирования дознания в Республике Узбекистан: Автореферат дисс. канд. юрид. наук «Издательский центр Академия» Т-2002й. – 26 б. Левинова Т.А. Начальник органа дознания в зеркале организационно-практических проблем. Российская юстиция. 2014. № 5. 22-25 бетлар; Малышева О. А. О необходимости совершенствования правовой регламентации процессуального статуса дознавателя. Российская юстиция. 2014. № 9 20-23 бетлар; Селина Е. В. Имплементация нарождающихся правовых институтов в сложившуюся уголовно-процессуальную форму: проблемы, перспективы, тенденции. Российская юстиция. 2014. № 8 25-28 бетлар; Гирько С.И. Сбываются ли прогнозы и опасения о перспективах дознания в сокращенной форме? Российский следователь. 2014. № 5. 22-26-бетлар; Гирько С.И. Уголовно-процессуальные функции полиции в Российской Федерации: Монография. М.: ФГКУ «ВНИИ МВД России», 2013. 62-75-бетлар.
5. Махов В.Н., Пешков М.А. Уголовный процесс США (досудебные стадии) <http://www.twirpx.com/file/272177/>
6. Германиянинг Жиноят-процессуал кодекси www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/stpo/gesamt.pdf Головки Л.В., Гуценко К.Ф. (ред.), Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств Учебное пособие для юридических вузов. - 2-е изд., доп. и испр. - М.: Зерцало-М, 2002. - 528 с.; Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. М., 1995. С. 17. Филимонов Б.А. Основы уголовного процесса Германии. М, 1994. С.52-53.